O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI BUXORO VILOYATI OLOT TUMANI HOKIMINING QARORI

Buxoro viloyati, Olot tumani, Olot ko’chasi, 73-uy. Tel: (365) 34-22-114, faks: (365) 34-22-539

2022 - yil 5 - yanvar 1-2-31-Q/22 Olot tuman hokimligi

Олот тумани ҳудудида умумфойдаланувидаги автомобил йўллари ва марказий кўчаларда фуқаролар ва транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида йўл белгилари ўрнатиш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимяти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6,25-моддалари, “Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари” талабларига асосан Олот туман ҳудудида йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактик-огоҳлантириш ва оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган кенг кўламли ташкилий ва амалий чора-тадбирлар режасини ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Олот туман ҳудудида умумфойдаланувдаги автомобил йўллари ва марказир кўчаларида фуқаролар ва воситалари ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш, йўл таранспорт ҳадисаларини олдини олиш мақсадида ўрнатилиши лозим бўлган йўл белгилари ва манзиллари иловага асосан тасдиқлансин ҳамда мазкур йўл белгиларини ўрнатишга рухсат берилсин.

2. Олот туман Ички ишлар бўлими (Б.Бобоев), туман ички ишлар бўлими Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси (Қ.Ҳамдамов) ва туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (Д.Қувондиқов)га туман ҳудудида

умумфойдаланувидаги автомобил йўллари ва марказий кўчаларда фуқаролар ва транспорт воситаларини ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида йўл белгиларини ўрнатиш ва доимий назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарор “Олот ҳаёти” эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

4. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ш.Ҳамраев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Н.Нематова**

Олот туман ҳокимининг
2022 йил 5 январдаги
1-2-31-Q/22-сон қарорига
1-илова

Олот туман ҳудудида умумфойдаланувидаги автомобиль йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситалари ҳаракат хавфсизлиги таъминлаш, йўл транспорт ходисаларининг олдини олиш мақсадида ўрнатилиши лозим бўлган йўл белгилари ва манзиллари

Р Ў Й Х А Т И

№	Йўл белгиси ўрнатилган манзил йўл номи	Йўл белсининг номи
1	М-37 "Самарқанд-Бухоро-Туркманбоши" автомобиль йўлининг ПК340+150 км ўнг томони	**3.27** "Тўхташ тақиқланган"
2	М-37 "Самарқанд-Бухоро-Туркманбоши" автомобиль йўлининг ПК340+400 км чап томони	**3.27** "Тўхташ тақиқланган"
3	4Р-58 с "М-37 Самарқанд-Бухоро а/йўлидан - Олот шахрига шахобча" автомобиль йўлининг ПК0+120 км ўнг томони	**3.27** "Тўхташ тақиқланган"
4	4Р-58 с "М-37 Самарқанд-Бухоро а/йўлидан - Олот шахрига шахобча" автомобиль йўлининг ПК0+910 км ўнг томони	**3.27** "Тўхташ тақиқланган"
5	4Р-58 с "М-37 Самарқанд-Бухоро а/йўлидан - Олот шахрига шахобча" автомобиль йўлининг ПК1+080 км чап томони	**3.27** "Тўхташ тақиқланган"
6	4Р-58 с "М-37 Самарқанд-Бухоро а/йўлидан - Олот шахрига шахобча" автомобиль йўлининг ПК1+330 км ўнг томони	**3.27** "Тўхташ тақиқланган"
7	4Р-78 "Олот ш. - Хамза 1/2 насос станцияларига" автомобиль йўлининг ПК0+085 км ўнг томони	**3.27** "Тўхташ тақиқланган"
8	4Р-78 "Олот ш. - Хамза 1/2 насос станцияларига" автомобиль йўлининг ПК1+290 км чап томони	**3.27** "Тўхташ тақиқланган"
9	Ички хўжалик автомобиль йўли Марказий касалхона олдида ўнг ва чап томонлари	**3.27** "Тўхташ тақиқланган"
10	Умумфойдаланув автомобиль йўлларига "Сунъий йўл нотекслиги" ўрнатилган жойларга	**1.31** "Сунъий йўл нотекислиги"
11	Ички хўжалик автомобиль йўлларига "Сунъий йўл нотекслиги" ўрнатилган жойларга	**1.31** "Сунъий йўл нотекислиги"

12	4Р-78 "Олот ш. - Хамза 1/2 насос станцияларига" автомобиль йўлининг Жумабозор чорраҳаси	светафор ўрнатиш